

# ЕНГИЛ АТЛЕТИКА СПОРТ ТУРИДА МАШГУЛОТ ВА МУСОБАҚА ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Икроржон Розикович Солиев**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, п.ф.д.

**Кадрия Рушановна Давидова**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ўқитувчи

**Шахрибону Сохибжон қизи Мийликулова**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ўқитувчи

**Гулнора Эргашевна Азамова**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, ўқитувчи

## АННОТАЦИЯ

Спорт машғулотлари жараёнини бошқариш бу спортчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёгарлик ҳолатларини доимий назорат қилиш демакдик. Айнан спорт машғулотлари жараёнида юзага келадиган ўзгаришларга тизимли равишда жавоб қайтариш ҳамда уларнинг йўналишини доимо белгилаб турини билан боғлиқ. Мақолада мураббийлар спортчининг ақлий ва ижодий имкониятларини фаол сафарбар этишга қаратилган муҳум жараённи бошқаришда ватанпарварлик, ўз спортини севиш ва маънавий фазилатларини ҳам тарбиялашни биргаликда олиб бориши таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** енгил атлетика, спорт, мусобақа, бошқарув, тизим.

## ANALYSIS OF TRAINING AND COMPETITION MANAGEMENT SYSTEM IN ATHLETICS

**Ikrorjon Rozikovich Soliyev**

Doctor of Pedagogical Sciences

Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

**Kadriya Rushanovna Davidova**

Teacher, Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

**Shakhribonu Sokhibjon kizi Miylikulova**

Teacher, Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

**Gulnora Ergashevna Azamova**

Teacher, Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

## ABSTRACT

Managing the process of sports training means constant monitoring of the physical development and physical fitness of these athletes. It is connected with a systematic response to changes in the process of sports training and constant determination of their direction. The article analyzes how coaches work together to cultivate patriotism, love of their sport and spiritual qualities in managing an important process aimed at actively mobilizing the intellectual and creative potential of the athlete.

**Keywords:** athletics, sports, competition, management, system.

## КИРИШ

Бугунги кунда спорт билан шуғулланиш ва спорт тизимини бошқариш – бутун жаҳон спорт ҳамжамияти яъни спортчилар, мураббийлар, спорт жамоалари ва спорт ташкилотларининг энг асосий омилларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Айниқса спорт машғулотларини бошқариш келгусида спортчиларнинг ана ўша айтиб ўтилган спорт жамоалари ва спорт ташкилотлари ва ватан мавқени оширишга ҳам хизмат қилишини айтиб ўтиш жоиздир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Спорт тизимида машғулотларни бошқариш бўйича ушбу соҳада қўплаб олимлар томонидан етарлича ишлар олиб борилган (Н.Г.Озолин, В.Н.Платонов, В.Н.Селюнов, О.И.Павлова, М.С.Олимов ва бошқалар). Спорт машғулотлари жараёнини бошқариш бу спортчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёгарлик ҳолатларини доимий назорат қилиш демакдик. Айнан спорт машғулотлари жараёнида юзага келадиган ўзгаришларга тизимли равишда жавоб қайтариш ҳамда уларнинг йўналишини доимо белгилаб туриш билан боғлиқ. Мураббийлар спортчининг ақлий ва ижодий имкониятларини фаол сафарбар этишга қаратилган муҳум жараённи бошқаришда ватанпарварлик, ўз спортини севиш ва маънавий фазилатларини ҳам тарбиялашни биргаликда олиб боради. Бу борада амалий, илмий, илмий-техник имкониятларни, илғор технологиялар, замонавий асбоб-анжомлар, дастурлар ишлаб чиқиш ва бошқа омилларни талаб этувчи жараёнга узвийлиқда олиб бориш керак. Шу ўринда мураббий-педагогнинг малакавий даражаси, унинг билимлари, кўникумлари, тажрибаси, мураббийлик маҳоратини, спортчининг профессионаллик даражасини тинимсиз ошириб бориш келгусида спортчилар тайёрлаш тизимида энг кичик муаммоларни чуқур мулоҳаза ва таҳлиллар асосида бошқариш ҳар бир

спортчининг юқори натажаларга эришиши ёки керакли спорт натижасини бериши илмий жиҳатдан асосланган.

Спорт машғулотларини бошқаришда спортчиларнинг тайёргарлик жараёнини мусобақа фаолияти самарадорлиги ва бошқарув тизимиға боғлиқлинини тажрибада ўрганиш.

Мавзуга доир ўқув-услубий адабиётларни таҳлили. Спорт бошқарувнинг турларида ва босқичларида мураббийнинг муҳум қарорларини таҳлили.

Натижалар таҳлили. Юқори спорт натижалари, турли чемпионлик ва қўрсатилиши керак бўлган рекорд натижаларни барчасини спортчи қайд этишига қарамай унинг машғулотини 1 дақиқасини ҳам ўтказмай албатта мураббий бошқариб боради. Унинг жисмоний тайёргарлиги, функционал тайёргарлиги, техник-тактик ва психологик тайёргарлигини ҳам, керак бўлса, ўзи бошқариб бориши ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек спортчиларнинг овқатланиш ва дам олиши ҳам бундан мустасно эмас.

Демак спортчиларни машғулотларини мараббий қўп жиҳатли жараёнлар орқали бошқариб борса унинг асил вазифаси нимада?

Худди шу масала бугунги кунда барча мамлакатларда долзарб муаммолар бўлиб келмоқда. Биз кўтарган ушбу муаммони ечими албатта спортда илғор бўлган мамлакат спорт тизимида ечилиган бўлсада барча мутахассислар бош мураббий билан бамаслаҳат иш олиб боради.

Спорт бошқаруви спортчилар машғулот фаолиятининг зарур режимини сақлаб туришга ёрдам беради, демак спорт тайёргарлиги бўйича олиб бориладиган спорт машғулотларини доимий равишда олиб бориш ва назорат қилиш самарадорлигини кучайтиради ҳамда спортчиларни мусобақаларга тайёрлаш вазифаларини ҳал этиш, мақсадга эришиш жараёнларини стабиллашувига олиб келишда мураббийнинг фикри иноботга олинади.

Жисмоний тарбия ва спорт назариясида бошқарувнинг уч тури мавжуд:

-босқичли бошқарув, машғулот жараёнининг йирик таркибий тузилмасида (кўп йиллик тайёргарлик босқичларида, макроцикллар, даврларда) тайёргарликни оптималлаштиришга йўналтирилган жараён;

-жорий бошқарув, машғулотнинг микро ва мезоциклларида, алоҳида мусобақаларда спортчининг ҳатти-ҳаракатларини оптималлаштиришни таъминлайдиган жараён;

-тезкор бошқарув, унинг мақсади алоҳида машқлар ва мажмуалар, алоҳида мусобақа, мусобақа стартлари, уринишлар ва х.к.ларда машғулот дастурларини бажаришда организм реакциялари, иш ва дам олиш оралиғи, ҳаракат фаолиятлари тавсифини оптималлаштиришдан иборат.

## МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тадқиқот давомида спорт машғулотларини бошқаришда биз мураббийларнинг юқорида келтирилган бошқарув давридаги қарорларининг самарадорлиги, айрим ҳоллардаги камчиликлар ва хатоларни таҳлил қилинди.

Бу борада тадқиқот 2019 йилнинг сентбр ойидан 2020 йилнинг март (1 марта бўлган) ойигача бўлган мусобақалар ва мураббийларнинг машғулот жараёнларидаги бошқарув жараёнларини ўрганиб бордик. Шу ўринда енгил атлетика бўйича қисқа масофаларга югурувчиларни тайёрловчи мураббийлардан 3 нафари, ўрта ва узоқ масофаларга югурувчиларни тайёрловчи мураббийлардан 9 нафари, улоқтириш турлари мураббийларидан 4 нафари ва сакровчиларни тайёрловчи мураббийларнинг 2 нафари жами 67 нафар спортчиларнинг бошқарув жараёнлари кузатиб борилди (1-жадвал). Тадқиқот бошида мураббийларнинг машғулотларини режаси уларда бажариладиган воситаларни турлари, бажарилиш шиддати ва мусобақа жараёнларидаги режалаштирилган натижаларни олдиндан олиб доимий равишда ушбу мураббийлар билан боғланиб кузатиб бордик.

**1-жадвал**

**Бошқарувлар вақтида самарадорлик % ҳисобида**

Босқичлар	Босқичли бошқарув	Жорий бошқарув	Тезкор бошқарув	Ўртача кўрсаткич
Тўғри қарор	90,9%	94,4%	98,0%	94,43%
Нотўғри қарор	7,0%	4,6%	1,4%	4,33%
Фойдасиз қарор	2,1%	1,0%	0,6%	1,23%

Ушбу жадвалда барча мураббийларнинг бошқарув жараёнларидаги турли қарорлари берилган бўлиб, босқичли бошқарув жараёнида қилинган қарор ва режалаштирилган спорт натижалари 90,9% ўз натижасини кўрсатди. Мураббийларнинг 7,0% қарорлари нотўғри ва 2,1% фойдасиз экани кузатилди. Жорий бошқарув даврида бу кўрсаткичлар бир мунча яхшироқ бўлишининг сабаби спортчиларни бир ойлик машғулотлари кузатилган бўлиб, тўғри қарор сифатида 94,4%, нотўғри қарор эса 4,6% ҳамда фойдасиз қарор 1,0% ни ташкил этди. Тадқиқот давомида тезкор бошқарув самарадорлиги 98,0% ни ташкил қилишига бевосита мусобақа жараёнидаги спортчиларнинг режалаштирилган спорт натижасига улоқтириш ва сакрашлардаги уринишлар давомидаги тезкор ўзгартириш ёки тўғри кўрсатмалар сабаб бўлганини айтиб ўтиш мумкин.

Нотўғри қарор кўпроқ югуриш турларида спортчиларнинг тактик ҳаракатлари натижасида спортчиларнинг мураббийлар кўрсатмаларини бажариш давомида 1,4% га teng бўлганлигини келтириб ўтмоқчимиз. Фойдасиз қарорлар эса уринишлар ва тактик ҳаракатларни бажаришда мураббий ўз шогирдларига олдинроқ позитцияларини эгаллашга қаратилган бошқаруви натижасида содир бўлган.

## 2-жадвал

### Мураббийларнинг спорт турлари бўйича бошқарув жараёнидаги самарадорлиги

	Спорт турлари	Тўғри қарор	Нотўғри қарор	Фойдасиз қарор
Босқичли бошқарув	Қисқа масофа	91,6	6,6	1,8
Жорий бошқарув		93,5	5,4	1,1
Тезкор бошқарув		96,9	2,3	0,8
Босқичли бошқарув	Ўрта ва узок масофа	91,8	6,1	2,1
Жорий бошқарув		94,3	4,4	1,3
Тезкор бошқарув		97,5	1,7	0,8
Босқичли бошқарув	Улоқтириш	90,6	7,4	2
Жорий бошқарув		94,6	4,4	1
Тезкор бошқарув		99,1	0,5	0,4
Босқичли бошқарув	Сакраш	89,6	7,9	2,5
Жорий бошқарув		95,2	4,2	0,6
Тезкор бошқарув		98,5	1,1	0,4
Босқичли бошқарув	Ўртacha кўрсаткич	90,90%	7,00%	2,10%
Жорий бошқарув		94,40%	4,60%	1,00%
Тезкор бошқарув		98,00%	1,40%	0,60%

Шунингдек тадқиқот давомида спорт турлари бўйича мураббийларнинг бошқарув жараёнлари ва қилинган қарорларини алоҳида кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Тадқиқот натижаларидан қўриниб турибдики турли спорт турлари бўйича мураббийларнинг бошқарув жараёнларидаги қарорлари ва машғулотларни олиб бориш услублари турлича экани кўриниб турибди. Босқичли бошқарув даврида тўғри қарор қабул қилиш ўрта ва узок масофачи мураббийларнинг улуши юқори (91,8%), жорий бошқарув даврида эса сакровчларнинг мураббийлари юқори натижага эга бўлган (95,2%), тезкор бошқарув даврида эса улоқтиш турлари бўйича мураббийларнинг натижалари

юқори бўлган (99,1%). Қолган натижалар 2-жадвалга мувофиқ эканлиги кўриш мумкин.

## ХУЛОСА

Хулоса. Мураббийлар томонидан олиб бориган бошқарув жараёнларидан шуни билишимиз мумкинки, енгил атлетиканинг қисқа, ўрта ва узоқ масофаларга югуриш турларида олдиндан режалаштирилган машғулот жараёнларини бошқариш қолган икки тур мураббийларига нисбатан яхшироқ эканлиги кўриш мумкин. Улоқтириш ва сакраш турлари мураббийлари жорий бошқарув хамда тезкор бошқарув жараёнида тўғри қарорга келиш ёки бошқача айтганда уринишлар оралиғида берилган маслаҳатлар самараси юқорилиги исботланди.

## REFERENCES

1. Soliev I., Khaydrov B., Mirzatillayev I., Khujamkeldiyev G., Ziyayev F., Functional training level of runners student-athletes sprinters. // International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020, <http://www.psychosocial.com/article/PR201878/17061/>
2. Солиев И.Р. Қисқа масофаларга югуришда спортчиларни техник тайёргарлик даврида старт реакцияларини такомиллаштиришни таҳлил қилиш. // ФАН-СПОРТГА илмий – назарий журнал. Тошкент. 2018 йил 2 сон. 56-60 бетлар.
3. Солиев И.Р. Юқори малакали узоқ масофага югурувчи спортчи қизларни тайёргарлик машғулотлари ва мусобақа жараёнининг қиёсий таҳлили. // ЎзМУ ХАБАРЛАРИ. Тошкент. 2018 йил №1/1 2018й. 171-174 бетлар.
4. Shakirjanova K., Soliyev I., Olimov M., Baratov A., Akmanov B., Saydkulov Z., Pedagogical technologies and interactive methods as a factor of increasing special knowledge of students. Journal of Critical Reviews., 2020; 7(6): 42-46.doi:10.31838/jcr.07.06.10. <http://www.jcreview.com/?mno=101674>
5. Солиев И.Р. Қисқа масофага югурувчиларнинг йиллик тайёргарлик машғулотларини режалаштириш: диссертация автореферати, пед.фан.бўйича фалсафа доктори 13.00.04. / Солиев Икроржон Розиқовиҷ, Чирчик 2020 йил. 58 бет.
6. Джалилова, М. И., Тажибаев, С. С., & Джалилова, Л. А. Правовые основы олимпийского образования учащейся молодёжи. In *Актуальные проблемы правового регулирования спортивных отношений (16 апреля 2020 года)–материалы X международной научно-практической конференции, посвящённой 50-летию Уральского государственного университета физической культуры: Челябинск, 16 апреля 2020 года/Под ред. СА За-харовой.–Челябинск: Уральская Академия, 2020.–246 с. (р. 218).*

7. Туробов, X. (2021). Национальная система массового вовлечения всех слоев населения в спортивно-оздоровительную деятельность. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
8. Бердиева, Ч. А. (2021). Жисмоний имконияти чекланган талабалар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш усули. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
9. Давлатова, Л. Т. (2021). Болалар церебрал фалажида жисмоний тайёргарликни машғулот жараённада ва илмий назарий соҳада ривожлантириш. *Academic Research in Educational Sciences*, 2.
10. Тажибаев, С. С., & Серебряков, Ю. В. (2015). Динамика общей и специальной физической подготовленности боксеров юношей, занимающихся боксом на этапе начальной спортивной специализации. *Молодой ученый*, (2), 109-111.
11. Miryunusovna, Z. G. (2020). Selecting criterias of talented preschool children for the forming of sports reserve in swimming. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(2).
12. Matnazarov, X. Y. (2020). Influencing factors for selecting effectiveness of talented swimmers on swimming sports. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(3), 41-44.
13. Farkhodovich, I. B. (2020). Development of balance in young kayakers in the initial stage of training. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(2), 66-70.
14. Azimov, Z. N. (2020). Research Of Training Loads On The Simulator “Concept-2” In The Preparation Of Youth In Academic Rowing. *The American Journal of Applied sciences*, 2(11), 104-109.
15. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Тренировочные нагрузки хоккеистов в подготовительном периоде. *Фан-спортга*, (4), 33-34.
16. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Физическая работоспособность в годичном цикле подготовительного периода подготовки квалифицированных футболистов. *Фан-спортга*, (3), 10-13.
17. Xabibullayev, С. X. (2020). Жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш услубияти. *Муғаллим*, 1(4), 148-153.
18. Самандар Хабибуллаевич Хабибуллаев. (2020/10). Футбол бўйича йиллик ва ойлик ўқув машғулотлар иш режасини тузишнинг самарали усули. *Academic research in educational sciences (ares)*, volume 1, issue 2, 325-332.
19. Самандар Хабибуллаевич Хабибуллаев. (2020/11). Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш. *Academic research in educational sciences (ares)*, volume 1, issue 3, 1150-1156.
20. S. X. Xabibullayev. (2020). Umumiy o‘rta ta’lim maktabalarida sport to‘garaklarini tashkil etishning samarali usuli. *Maktab va hayot*, №2, 23-25.